

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИЗЗАТИЛЛА МАХМУТАЛИЕВИЧ ҲАЙДАРОВ**

**ЎЗБЕКИСТОН ССР САНОАТИНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИ ЯГОНА  
ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ КОМПЛЕКСИДАГИ ЎРНИ (1945-1991)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фан доктори диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук**

**Content of the abstract of dissertation of doctor of sciences**

**Иззатилла Махмуталиевич Ҳайдаров**

Ўзбекистон саноатининг совет иттифоқи ягона халқ хўжалиги  
комплексидаги ўрни (1945-1991 йй.)..... 3

**Ҳайдаров Иззатилла Махмуталиевич**

Место промышленности Узбекистана в едином народно-хозяйственном  
комплексе Советского Союза (1945-1991 гг.) ..... 33

**Khaydarov Izzatilla Maxmutaliyevich**

The Role of Uzbekistan’s Industry in The Single National Economic  
Complex of The Soviet Union (1945-1991) ..... 63

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 68

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 02/30.12.2019.Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИЗЗАТИЛЛА МАХМУТАЛИЕВИЧ ҲАЙДАРОВ**

**ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИ ЯГОНА ХАЛҚ  
ХЎЖАЛИГИ КОМПЛЕКСИДАГИ ЎРНИ (1945-1991 йй.)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.DSc/Tar83 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.fati.uz](http://www.fati.uz)) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Раҳбархон Ҳамидовна Муртазаева**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Қаҳрамон Кенжаевич Ражабов**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Наим Халимович Обломуродов**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Бахтиёр Махмуджонович Расулов**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент Ирригация ва қишлоқ  
хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти ҳузуридаги тарих фанлар бўйча фан доктори ва фалсафа доктори илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Tar.56.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй, Тарих институти. 2-кават Мажлислар зали.) Тел (99871) 233-54-70; 233-62-01; факс: (99871) 233-39-91) e-mail: [info@fati.uz](mailto:info@fati.uz) Тарих институти)

Диссертацияси билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин(\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил 100170, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй). Тел: (99871) 262-74-58; факс: (99871) 262-34-41)

Диссертация автореферати 2021 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ -рақами билан реестр баённомаси)

**Азамат Зиё**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**М.Х. Пайзиева**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
т.ф.н., катта илмий ходим

**Н.А. Аллаева**

Илмий даражаларни берувчи  
илмий кенгаш қошидаги  
Илмий семинар раиси,  
т.ф.д., катта илмий ходим

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида глобаллашув ва иқтисодий интеграция жараёнларининг чуқурлашиши шароитида иқтисодий ресурслардан тўғри фойдаланиш, капитал маблағларни, биринчи навбатда, самарадорлиги юқори секторларга йўналтириш, инсон капиталининг ривожлантирилиши ва ундан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқаришнинг ташқи бозорда рақобатбардош ва экспортбоп бўлиши, иқтисодий сиёсатнинг барқарор ва тўғри координация қилиниши дунё давлатларининг иқтисодий ўсиши ва ривожланишининг асосий омили бўлиб қолмоқда. Бинобарин, дунё мамлакатларидаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт эволюцияси ва давлатларнинг иқтисодий ҳаётини ўрганишга бўлган интилиш кучайиб бормоқда.

Дунёнинг ривожланган бир қанча мамлакатларидаги илмий марказлар мутахассислари олиб бораётган тадқиқотларда совет давлати тарихи, хусусан, Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг мустақамланиши, мазкур тузумнинг моҳияти ва бошқарув шакли, республикада содир бўлган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар тарихи ўрганилмоқда. Бу тадқиқотларда ягона халқ хўжалиги комплексини яратишнинг назарий асослари, унинг даврий босқичлари, ваколатли ташкилотлари ва органларининг хўжалик бошқарувидаги иштироки каби масалалар ҳам турли нуқтаи назарда таҳлил этилмоқда. Тадқиқотлар натижалари бу масалалар юзасидан тегишли хулосалар чиқариш ҳамда илмий-назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда иқтисодиётни юксалтириш ва либераллаштириш, унинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш юзасидан белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, “иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш”<sup>1</sup> каби муҳим вазифаларнинг қўйилиши иқтисодиётни жадал ва мувозанатли ривожлантиришни таъминлаш, чуқур таркибий ўзгаришларни давом эттиришнинг стратегик устувор йўналишларини белгилаб берди. Шунингдек, “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясида”<sup>2</sup> назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши билан энг зарур иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда (саноат, транспорт, энергетика ва бошқалар) соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, давлат ва тижорат манфаатлари тўқнашувини бартараф этиш имконини бериб, бошқарув

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон Фармонининг 1-илоvasида келтирилган “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Харакатлар стратегияси**”. [Электрон ресурс]. [http:// strategy.regulation.gov.uz](http://strategy.regulation.gov.uz)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони: Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида // Халқ сўзи, 2017 йил 9 сентябрь.

тизими тубдан такомиллаштирилмоқда. Ана шундай ўзгаришларнинг ижобий натижасини таъминлашда турли тарихий босқичлардаги иқтисодий бошқариш тизимининг хусусиятларини таҳлил этиш ҳамда тегишли хулосалар чиқариш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелдаги 2201-сон “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 21 декабрдаги ПФ-5600-сон “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги фармонлари ва мавзуга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тузишни шакиллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** Ўзбекистон ССР саноатининг совет иттифоқи ягона халқ хўжалиги комплексидаги ўрни мавзуси бўйича тадқиқотлар жаҳоннинг илғор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Григориан университети (Италия), Шарқий Европа тадқиқотлари институти (Германия), Глазго университети, Варвик университети (Буюк Британия), Калифорния университети, Кент Давлат университети (АҚШ), Аделаида университети (Австралия), Москва давлат университети (Россия), Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Мавзу бўйича хорижлик тадқиқотчиларнинг изланишлари якунида қуйидаги илмий натижалар олинган: совет республикаларида, айниқса, Ўзбекистон ССРда пахта яккаҳокимлигининг вужудга келиши ва унинг салбий оқибатлари, аввало, коммунистик мафкура, пролетариат диктатураси билан боғлиқлиги ҳақидаги қарашлар таҳлил этилган (Pontifical Gregorian University, Италия); совет иттифоқининг Иккинчи жаҳон урушидан кейинги иқтисодий режалаштириш сиёсати қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришига ўз таъсирини кўрсатганлиги ёритиб берилган (Osteuropa-Institut Regensburg, Германия); коммунистик режим шароитида мамлакат иқтисодий тизимини бошқаришнинг назарий муаммолари очиб берилган (Glasgow university, Буюк Британия); совет давлатининг 1960-1970 йиллардаги ялпи

---

<sup>3</sup> Диссертация бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [www.unigre.it](http://www.unigre.it), [www.wios-regensburg.de](http://www.wios-regensburg.de), [www.gla.ac.uk](http://www.gla.ac.uk), [www.warwick.ac.uk](http://www.warwick.ac.uk), [www.berkeley.edu](http://www.berkeley.edu), [www.kent.edu](http://www.kent.edu), [www.neiu.edu](http://www.neiu.edu), [adelaide.edu.au](http://adelaide.edu.au), [www.ms.ru](http://www.ms.ru),

маҳсулот ишлаб чиқариш тенденциялари дунёдаги бошқа мамлакатлар билан таққослаб ўрганилган ва СССРнинг ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш суръатларининг нисбатан юқори бўлгани, тайёр маҳсулот жуда катта ҳудудда (яъни бутун Иттифоқ миқёсида) яратилиши жараёнлари ёритилган (University of Warwick, Буюк Британия); совет давлатининг 1965-1989 йиллар иқтисодиётидаги асосий ўсиш йўналишлари ва унинг сабаблари аниқланган (University of California, АҚШ); Ўзбекистон ССРнинг 1917-1991 йиллардаги иқтисодий ривожланишида маъмурий бошқарув тизимининг ўрни очиб берилган (Kent State University, АҚШ); Ўзбекистон иқтисодиётини бир томонлама ривожлантириш ҳаракатининг салбий оқибатлари ўрганилган (Northeastern Illinois University, АҚШ); совет тузуми даврида Ўрта Осиё республикаларидаги ишлаб чиқариш ва меҳнат тақсимотининг назарий муаммолари ёритилган (University of Adelaide, Австралия); собиқ иттифокда 1917 йилдан 1991 йилгача бўлган даврда совет цивилизациясининг шаклланишида мамлакат иқтисодий тараққиётининг роли кўрсатиб берилган (Московский государственный университет, Россия); совет иттифоқининг ягона халқ хўжалиги комплекси ва унда Ўзбекистоннинг тутган ўрни масалалари ёритилган (Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон).

Совет даври иқтисодий сиёсати, халқ хўжалигини бошқариш тарихи, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга таъсири масалаларини ўрганишга доир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишлардаги тадқиқотлар давом этмоқда: совет иқтисодий бошқарув тизимининг хусусиятларини кўрсатиб бериш, иқтисодиётдаги ўсишнинг асосий йўналишлари, ишлаб чиқариш ва меҳнат тақсимотининг назарий муаммолари очиб бериш, саноатни миллий ва малакали кадрлар билан таъминлаш масаласининг муаммоларини очиб бериш, халқ хўжалигини режалаштириш масалаларининг зиддиятли томонларини ўрганиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тадқиқ этилаётган мавзуга тегишли адабиётларни даврий-хронологик жиҳатдан қуйидаги уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

1. Совет ҳокимияти даврида нашр этилган адабиётлар (1945-1991 йиллар).
2. Мустақиллик йилларида яратилган тадқиқотлар.
3. Хорижий муаллифлар томонидан ёзилган асарлар.

Биринчи гуруҳга киритилган адабиётлар ҳақида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу давр тадқиқотларида республика ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг аксарият ижобий томонлари бўрттирилиб, мавжуд муаммолар илдизи ва моҳияти совет ҳукумати ҳамда коммунистик партия манфаатларидан келиб чиқиб ўрганилган. Совет тузумининг буюк давлатчилик сиёсати ёқланиб, коммунистик мафкура ғоялари зўр бериб тарғиб қилинган.

Бундай тадқиқотлар орасида тарихчилар, иқтисодчилар ва давлат арбобларининг асарлари кўплаб учрайди. Улар орасида Ўзбекистон халқ хўжалиги ривожланишининг тарихий йўлини умумлаштирувчи асарлар

кўпчиликини ташкил этади<sup>4</sup>. Бу асарларда Ўзбекистон халқ хўжалигининг турли тармоқлари ривожланишини бевосита партия ва раҳбарлар номи билан изоҳлашга уринишлар бўлганини кўриш мумкин. Уларда “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги кенг механизациялашган, илғор саноатга эга бўлган индустриал-колхозлашган республикага айлантиришдек улуг вазифани қисқа тарихий муддат ичида амалга оширди”<sup>5</sup> сингари таърифлар кўплаб учрайди.

Айнан Ўзбекистон ССР саноатига оид асар<sup>6</sup> ва мақолаларда<sup>7</sup> бўлса, марказнинг режалаштириш сиёсатини мақташ, партия қарорлари ва режаларини таърифлаш ҳолатларини кўриш мумкин.

---

<sup>4</sup> Эрлих Д. Народное хозяйство социалистического Узбекистана. – Т., 1947; Зиёдуллаев С., Махонин И. Совет Ўзбекистонининг социалистик саноати. – Т.: Ўздавнашр, 1949; Абдуллаев Х. Ўзбекистон ер ости бойликлари социализм хизматида. – Т.: Фан, 1949; Бедринцев К. Ўртоқ Сталин СССР халқ хўжалигининг планли (пропорционал) ривожланиши иқтисодий қонуни тўғрисида. – Т.: Қизил Ўзбекистон, Правда Востока, Ўзбекистони Сурх, 1953; Ўша муаллиф. СССРнинг халқ хўжалигида Ўзбекистоннинг туган ўрни. – Т.: Қизил Ўзбекистон, Правда Востока, Ўзбекистони Сурх, 1953; Хасанов А. Исторические корни дружбы народов СССР. – Фрунзе, 1954; КПСС съездлар, конференциялар ва марказий комитет пленумларининг резолюция ва қарорларида. III-қисм. – Т.: Ўздавнашр, 1956; Раджабов С. К вопросу об исторических корнях дружбы народов Средней Азии с великим русским народом. – Сталинабад, 1954; Ўша муаллиф. Роль великого русского народа в исторических судьбах народов Средней Азии. – Т.: Госиздат УзССР, 1955; Десятчиков Б. Социалистик Ўзбекистон саноати. – Т.: Қизил Ўзбекистон, Правда Востока, Ўзбекистони Сурх, 1955; Мельникова Г. Формирование промышленных кадров в Узбекистане. – Т., 1956; Лященко П. История народного хозяйства СССР. Том III. – М., 1956; Акрамов З. Ўзбекистон халқ хўжалиги олтинчи беш йилликда. – Т.: Ўздавнашр, 1957; Бедринцев Н., Десятчиков А. Ўзбекистон саноати 30 йил ичида. – Т.: Фан, 1957; Акрамов З. Оғир саноат – Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантиришнинг моддий-техник базаси. – Т.: Қизил Ўзбекистон, Правда Востока, Ўзбекистони Сурх, 1958; Ульмасбаев Ш. Промышленное развитие Советского Узбекистана. – Т.: Госиздат УзССР, 1958; Добринин Ю. Ўзбекистон озиқ-овқат саноати. – Т.: Ўздавнашр, 1959; Зарипов А. Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг ривожланиши. – Т.: Қизил Ўзбекистон, Правда Востока, Ўзбекистони Сурх, 1959; Дульмин Д. Ўзбекистон химия саноати. – Т.: Ўздавнашр, 1959; Косимбеков Ж. Ўзбекистон саноатида социалистик мусобақа. – Т.: Ўздавнашр, 1959 ва б.

<sup>5</sup> Зиёдуллаев С., Махонин И. Совет Ўзбекистонининг социалистик саноати. – Т.: Ўзбекистон, 1949. – 64 бет.

<sup>6</sup> Десятчиков Б., Абубакиров Н. Кимё саноатини жадал ривожлантириш – умумхалқ иши. – Т., 1960; Абдуллаев Ш. От неравенства – к расцвету. Борьба коммунистической партии за ликвидацию фактического неравенства народов Узбекистана. – Т., 1964; Воробьев Ю. Выравнивание уровней экономического развития союзных республик. – М.: Наука, 1965; Зиёдуллаев Н. Ўзбекистон ССР саноатининг ривожланиши. – Т., 1965; Кононов Л. Химия саноатининг минерал хом ашё ресурслари. – Т., 1965; Аминова Р., Яцишина А. История рабочего класса Узбекистана. – Т.: 1966; Очерки истории коммунистической партии Узбекистана. – Т.: Узбекистан, 1966; Абдуллаев К. Развитие промышленности Узбекистана в период четвертой (первой послевоенной) пятилетки восстановления и развития народного хозяйства (1946-1950 гг.). – Т.: 1966; Азимов А. Ўзбекистонда кон саноатининг ривожланиш истиқболлари. – Т., 1967; Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. – Т.: Узбекистан, 1967; Цветная металлургия Узбекистана. – Т., 1967; Батигин А. Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда саноатнинг роли. – Т.: Фан, 1968; Ленинизм и опыт строительства социализма в республиках Советского Востока. К проблеме выравнивания уровней экономического развития (на примере Таджикской ССР). – Душанбе, 1968; Зиёдуллаев С. Промышленность Узбекистана и основные экономические проблемы развития. – Т.: Фан, 1968; Горная промышленность и цветная металлургия Узбекистана за 50 лет. – Т., 1968; Цветная металлургия Узбекистана. – Т., 1969; Минц И. Ўзбекистон ёқилғи саноати. – Т.: Фан, 1969; Ибодов Н. Ўзбекистон халқ хўжалигини бошқариш органлари. – Т., 1969; Муталов А. Ўзбекистон тўқимачилик саноати юксалишда. – Т., 1969; За подъем народного хозяйства. – Т., 1966; Бор М. Единство экономики СССР и союзных республик. – М., 1970; Ўрта Осиёда нефтни қайта ишлаш саноатининг ривожланиши. – Т., 1971; Братское сотрудничество Советских республик в хозяйственном и культурном строительстве / Сб.статей. – М.: Мысль, 1971; Искандеров И., Ортиқов А. Мамлакат экономикасида Ўзбекистон саноатининг ўрни ва роли. – Т.: 1972; Некрасов Н. Экономика СССР – взаимосвязанный народно-хозяйственный комплекс. – М.: 1972; Зиёдуллаев Н. Ўзбекистон энгил саноатини ривожлантириш истиқболлари. – Т.: Фан, 1972; Каҳҳоров А. Ўзбекистон ёқилғи саноати 50 йил ичида. – Т.: Ўзбекистон, 1972; Абдуганиев А. Ўзбекистон халқ хўжалигининг ўсиш суръатлари ва структураси. – Т.: Ўзбекистон, 1972; Велиев Т. Выравнивание уровней экономического развития советских республик. – М.: Высшая школа, 1973; Братское сотрудничество союзных республик в развитии народного хозяйства СССР. 1917-1971 гг. – М.: 1973; Туропов А. Ўзбекистонда химия саноатининг ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон, 1973; Ший Б. Экономическое выравнивание союзных республик. (На опыте республик Средней Азии). – Душанбе, 1973; Қориев М., Халилхўжаев Р. Саноатда моддий рағбатлантиришни такомиллаштириш. – Т.: Ўзбекистон, 1973; Орипов Ф. Ўзбекистон экономикаси – СССР ягона халқ хўжалиги комплексида. – Т.: 1974; Қосимов С., Холматов И. Ўзбекистонда минерал ўғит саноатининг ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон, 1974; Касымов К. Деятельность Компартии

Муаллифлар ўз асарларида СССР ягона халқ хўжалиги комплексининг қулайлик жиҳатлари, режа ва тақсимот асосида комплекс шаклланиши, ҳар бир республиканинг иқтисодиётдаги йўли белгиланганлиги ҳақида маълумотлар беришган.

XX аср 80-йилларида яратилган асарларда, қисман бўлса-да, масалага холис ёндашилганини кузатиш мумкин<sup>8</sup>. Бу даврда мавзуга оид марказ манфаатларини ҳисобга олган ҳолда чиқарилган қонун ва қарорлар, шиорлар ҳамда социалистик мусобақа йўналишида амалга оширилган чақириқлар ва натижаларни таҳлил қилиш билан боғлиқ бир қатор илмий тадқиқот ишлари ҳам амалга оширилди<sup>9</sup>.

---

Узбекистана по развитию текстильной промышленности. – Т.: 1974; Совет Ўзбекистонининг 50 йил мобайнидаги ривож. – Т.: Ўзбекистон, 1974; Ўзбекистон саноати ишчилари тарихидан лавҳалар. – Т.: Фан, 1974; Ўзбекистон саноати структурасидаги прогрессив силжишлар. – Т.: Фан, 1974; Ўзбекистон ССРда йиғма темир-бетон саноатининг ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон, 1974; Тўқимачилик саноати тараққиёт йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1975; Муталов А., Бурхонхўжаев М. Ўзбекистонда ипак саноатининг ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон, 1975; Раимова Н. Ўзбекистонда пахта тозалаш саноатининг ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон, 1975; Зукумбаева А. Методы оценки уровня экономического развития союзных республик и районов. – Алма-Ата, 1975; Моддий-техника таъминоти ва саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланиши. – Т.: Фан, 1975; Оронюк Б.Л. Помощь Советского государства Узбекистану в создании социалистической экономики. – Т.: Фан, 1975; Куличенко М. Укрепление интернационального единства советского общества. – Киев, 1976; Юсупов Н. Ўзбекистон саноатида социалистик мусобақанинг иқтисодий проблемалари. – Т.: Фан, 1976; Социально-экономическое развитие Советского Узбекистана. – Т.: Фан, 1976; Шистер Г. О некоторых закономерностях роста индустриальных кадров в национальных районах СССР (на примере УзССР). – М.: 1976; Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана. – Т.: Фан, 1977; Назарова Т. Маҳаллий саноат ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш. – Т.: Фан, 1977; Файзиёв М., Родимкин Е. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва жойлаштириш. – Т.: Ўзбекистон, 1978; Арифханова З., Чеботарева В. Решение национального вопроса в Узбекистане. – Т.: Фан, 1979; Экономическая стратегия КПСС в действии (на материалах Узбекской ССР). – Т.: Узбекистан, 1979.

<sup>7</sup> Абдуллаев Х. Оғир саноат – халқ хўжалигининг негизи // Қизил Ўзбекистон. 1945 й., 5 апрель; Поронин Н. Задачи пищевой промышленности Узбекистана // Правда Востока. 1945 г. 15 декабря; За новый подъем промышленности Узбекистана // Правда Востока. 1945 г. 12 декабря; Зотов В. Послевоенное развитие пищевой промышленности // Правда Востока. 1946 г. 9 марта; Мирзабеков Б. Нефтяная пятилетка Узбекистана // Правда Востока. 1946 г. 13 апреля; Янги беш йилликда оғир саноатнинг роли // Қизил Ўзбекистон. 1946 й., 14 апрель; Промышленность Узбекистана в новой сталинской пятилетке // Правда Востока. 1946 г. 20 апреля ва б.

<sup>8</sup> Алимов П. Халқ хўжалиги баланси. – Т.: Ўзбекистон, 1985; Султонов Н. Фарғона иқтисодий райони саноатининг ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон, 1985; Азимов М. Ўзбекистонда химия саноатининг ривожланиши ва ижтимоий ишлаб чиқаришни жадаллаштириш. – Т.: Ўзбекистон, 1986; Бобожонова Д. Енгил саноатда фан-техника тараққиёти. – Т.: Ўзбекистон, 1986; Абдуллаев О. Ўзбекистонда пахта тозалаш саноатининг ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон, 1986; Юсупов А. Енгил саноат тармоқ структурасини такомиллаштириш. – Т.: Ўзбекистон, 1987; Ўролов А. Ўзбекистон саноати тараққиёти. – Т.: Ўзбекистон, 1988; Йулдошева Д. Қайта қуриш шароитида Ўзбекистон саноати. – Т., 1989; Набиев Ф. Социалистическое строительство в Узбекистане: закономерности и особенности. – Т., 1989; Оронюк В., Алиев Б. Ўзбекистон мамлакатининг ягона халқ хўжалик комплексиди. – Т.: Ўзбекистон, 1989; Тураева З. Саноатда хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланиш. – Т.: Ўзбекистон, 1989; Муртазаева Р. Х. Экономика – основа интернационального единства (на материалах республик Средней Азии. 1946-1958 гг.). – Т.: Узбекистон, 1989; Исхаков Ф. Прошлое глазами историка. – Т.: Ўзбекистон, 1990; Рябич Р. Формирование и развитие социально-классовой структуры Узбекистана. – Т., 1991 ва б.

<sup>9</sup> Климачев В. Деятельность коммунистической партии Узбекистана по развитию цветной металлургии в республике в период между XX и XXII съездами КПСС. Автореф. дисс. ... док. ист. наук. – Т., 1967; Усманов К. Деятельность коммунистической партии Узбекистана по подготовке, расстановке и воспитанию инженерно-технических и экономических кадров (1961-1965 гг.). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Т., 1969; Шаповаленко В. Деятельность Коммунистической партии Узбекистана по развитию творческой активности рабочего класса в послевоенный период (1945-1955 гг.). Автореф. дисс. док. ист. наук. – Т., 1971; Исхаков Ф. Творческая активность рабочих текстильщиков Узбекистана в период развитого социализма (1959-1970 г.г.). Дисс. .... канд. ист. наук. – Т., 1975; Исхаков Ф. Деятельность Компартии Узбекистана по развитию творческой активности рабочего класса промышленности (60-80 гг.). Автореф. дисс. ... док. ист. наук. – Т., 1987; Раупов С. Опыт и проблемы использования источников пополнения индустриального отряда рабочего класса Узбекистана в 80-х годах. Историко-партийный аспект. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Т., 1990 и др.

Иккинчи гуруҳга кирувчи адабиётлар мустақиллик йилларида нашр этилган асарлар<sup>10</sup>, амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари<sup>11</sup>дан иборат. Мустақиллик йиллари таниқли тарихчи, иқтисодчи олимлар мавзу доирасида бир қатор эътиборга молик ишларни амалга оширдилар. Бу асарларда бир неча ўн йиллар давомида Ўзбекистон иқтисодиёти СССР халқ хўжалигининг таркибий қисми бўлиб, унинг ривожланиш йўналишлари марказий, партия, давлат ва хўжалик органларининг директив кўрсатмаларида белгилаб берилгани ва бу нарса кўп жиҳатдан республика иқтисодининг инкирозига ҳамда экстенсив ривожига, хом ашё етказиб беришга йўналтирилганига сабаб бўлгани<sup>12</sup> асослаб берилади.

Мавзу тарихшунослигида хорижлик мутахассислар тадқиқотлари ҳам муҳим ўринга эга бўлиб, тадқиқ этилаётган мавзу юзасидан узоқ ва яқин хорижда яратилган илмий тадқиқотларда баъзи муҳим маълумот ва хулосалар мавжуд. Жумладан, Ғарб олимларининг тадқиқотларида<sup>13</sup>

<sup>10</sup> Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар (70-80 йиллар мисолида). – Т.: Шарқ, 1999. – 160 б.; Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари (1865-1990 йиллар). Лойиҳа раҳбари ва масъул муҳаррир Д.Алимова. – Т.: Шарқ, 2000; Тарих шохидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. Лойиҳа раҳбари ва масъул муҳаррир Д.Алимова. – Т.: Шарқ, 2001; Алимов И., Ражабов Қ. Ўзбекистон мустабид совет давлати таркибида (1925-1991 йиллар) // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 12. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 171-185. Алимова Д., Голованов А. Узбекистан в 1917-1990 годы: противоборство идей и идеологий. – Т., 2002.; Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Биринчи китоб 1917-1991 йилларда. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Раҳимов, Қ.Ражабов; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик марказ. – Т.: O'zbekiston, 2019; Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккинчи китоб 1939-1991 йилларда. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Раҳимов, Қ.Ражабов; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик марказ. – Т.: O'zbekiston, 2019.

<sup>11</sup> Асриева Е. Проблема формирования и развития рабочего класса Узбекистана в исторической литературе (1920-80 – е гг.). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Т., 1991; Хазраткулов А. Социальные проблемы Узбекистана и пути их решения. Специфика. Опыт. Перспективы. (1917-1990 гг.). Автореф. дисс. ... док. ист. наук. – Т., 1994; Кабулов Э. История развития легкой и пищевой промышленности в южных областях Узбекистана в 1946-1960 гг.: опыт и проблемы. Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Самарканд, 1994; Нурматов Н. Подготовка, повышение квалификации и изменения в составе специалистов и рабочих пищевой и легкой промышленности Узбекистана в 80 – е годы. Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Самарканд, 1995; Эргашева Ж. История создания и развития промышленности Кашкадарьи: новые осмысление и выводы (1920-1970 гг.). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Андижан, 1998; Раулов Х. Ўзбекистон енгил ва озиқ-овқат саноатининг аҳолини истеъмол моллари билан таъминлаш тарихидан (1945-1965 йиллар). Тарих. фан. ном. ... дис. автореферати. – Андижон, 1997; Сарыбаев А. Хлопкоочистительная и текстильная промышленность Каракалпакстана в 1980-1995 гг: исторический опыт и проблемы возрождения национальной промышленности. Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Нукус, 2000; Ўроқова Н. Ўзбекистонда мустақиллик даврида саноат соҳасидаги ислохотлар ва ўзгаришлар жараёни (Жанубий вилоятлар мисолида). Тарих. фан. ном. ... дис. автореферати. – Т., 2004; Холмўминов Х. Ўзбекистонда совет мустамлакачилиги сиёсатининг миграцион жараёнларга таъсири (Жанубий вилоятлар мисолида). Тарих. фан. ном. ... дис. автореферати. – Т., 2007; Бобожонова Н. Совет тоталитар сиёсатининг Ўзбекистон аҳолисининг миллий таркибига таъсири (1941-1991 йиллар). Тарих. фан. ном. ... дис. автореферати. – Тошкент, 2008; Буранова Н. Ўзбекистонни марказлашган халқ хўжалиги тизимига киритилиши ва унинг оқибатлари (саноат мисолида 1925-1941 йиллар). Тарих. фан. ном. ... дис. автореферати. – Т., 2010; Исоков Б. Ўзбекистонда 80-йилларнинг иккинчи ярми – 2000 йиллардаги тарихий ўзгаришларнинг демографик жараёнларга таъсири. Тарих. фан. ном. ... дис. автореферати. – Т., 2010 ва б.

<sup>12</sup> Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккинчи китоб 1039-1991 йиллар. – Т.: O'zbekiston, 2019. 122-123-бетлар.

<sup>13</sup> Nove A. The Soviet Economy. – London, 1969; Meier G and Baldwin R. Economic Development. – New York, 1957; Hofmann W. Wohinsteuert die Soviet wirtschafft? – Berlin, 1955; Seton-Watson H. Soviet Nationality Policy // Russian Review, 1956; Maruley A. Soviet development policy in Central Asia // Soviet interests in the Third World. – London, 1985. – pp. 299-319; Jan Ake Dellenbrant. Regional policy and regional development in Soviet Central Asia // Soviet Central Asia: Continuity and change. Paper from the conference at Oksbol. – Denmark, Febr. 16-17, 1984; Ewa A. Chylinaki (ed). Estjrg. – Denmark, 1984. – pp.119-134; Gleason G. Educating for

маъмурий-буйруқбозлик тизимига асосланган совет даври иқтисодий сиёсатида республикалар саноатини бир-бирига бевосита боғлаб қўйиш, кадрлар масаласидаги нотўғри сиёсат, аҳолининг ижтимоий аҳволи ва муаммолари ёритилган. Ушбу тадқиқотлар муаллифлари масала моҳиятига ўз танқидий ёндашуви борлиги билан ажралиб туради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф1-88 “Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва маънавий тараққиётида толерантлик тамойилининг тутган ўрни (қадимги даврдан то ҳозирги вақтга қадар)” мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** 1945-1991 йилларда Ўзбекистон саноатининг совет иттифоқи ягона халқ хўжалиги комплексида тутган ўрнини ва унда юзага келган зиддият ва муаммоларни очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

совет иттифоқининг ягона халқ хўжалиги комплекси шаклланишининг назарий асослари ва амалиётини тадқиқ қилиш;

Ўзбекистон ССР саноатининг 1945-1991 йиллардаги бошқарув органлари ва уларнинг хусусиятларини кўрсатиш;

совет ҳукуматининг Ўзбекистон ер ости бойликларини ўзлаштиришга қаратилган сиёсатини таҳлил қилиш;

республика ёқилғи саноатида янги тармоқларни вужудга келтириш йўлида қилинган ҳаракатлар ва унда йўл қўйилган камчиликларни ўрганиш;

Ўзбекистонда оғир саноатнинг пахтачиликни ривожлантиришга йўналтиришдан кўзланган мақсадни аниқлаш;

---

underdevelopment: The Soviet vocational education System and its Central Asian Critics // *Central Asian Survey*, 1985. Vol. 4.-№2. – p. 59-81; Sheehy A. Some aspects of regional development in Soviet Central Asia // *Slavic Review*. Sept, v. 31. – p. 558; Conolli V. *Beyond the Urals: Economic Developments in Soviet Asia*. – London: Oxford University Press, 1967. – p. 315; Wetter G. Bugünkü sovyet ideolojisi. Çeviren Cemil Ziya Şanbey. İkinci baskı. T. I. – Ankara: Kultur Bakanlığı, 1976. – 525 s; Leonhard W. Bugünkü sovyet ideolojisi. Çeviren Cemil Ziya Şanbey. İkinci baskı. T. II. – İstanbul: Milli Eğitim basımevi, 1980. – 510 s; Giuseppe Boffa. *Storia dell' unione Sovietica (1941-1964)*. – Milano: Arnoldo Mondadori Editore, 1979; Мерль Ш. Экономическая система и уровень жизни в дореволюционной России и Советском Союзе. Ожидания и реальность // *Отечественная история*. 1998. № 1. 101-104; Джузеппе Боффа. История Советского Союза. В двух томах. Т. 2. От Отечественной войны до положения второй мировой державы. Сталин и Хрущев. 1941-1964. Перевод с итальянского. – М.: Международные отношения, 1990. – 632 с; Meier G and Baldwin R. *Economic Development*. – New York, 1957; Geoffrey Wheeler. *The Modern History of Soviet Central Asia*. – London: Weidenfeld and Nicolson, 1964; Maruley A. *Soviet Development Policy in Central Asia // Soviet in Third World*. – London, 1985; Gregoriy P.R. *The Political Economy of Stalinism. Evidence from the Soviet Secret Archives*. – New York: Cambridge University Press. 2014. – 308 s; Антонова Т., Данилов А., Харитонов А., Косулина Л. История России. XX век.– М.: Клио–Софт, 1997; Судоплатов П. Спецоперации. Лубянка и Кремль 1930-1950 годы. – М., 1997; Тонких В., Ярецкий Ю. История политической и правовой мысли России. – М., 1999; История России XX век / Боханов А., Горинов В., Дмитренко В. и др. – М.: ООО АСТ, 2000; Ратьковский И., Ходяков М. История Советской России.– СПб: Лань, 2001; История России: новейшее время (1945-1999) / Под ред. А. Безбородова. – М.: Олимп, АСТ, 2001; Борев Ю. Сталиниада. – М.: ООО “Агентство “КРПА Олимп”, 2003; Медведев Ж. Сталин и еврейская проблема: Новый анализ. – М.: АСТ, 2005; Жуков Ю. Сталин: Тайны власти. – М.: Вагриус, 2005; Кожин В. Правда сталинских репрессий. – М.: Алгоритм; Эксмо, 2006; Голинков Д. Правда о врагах народа. – М.: Алгоритм, 2006; Брачев В. Масыны у власти. – М.: Алгоритм; Эксмо, 2006 и др.

Ўзбекистонда енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқларининг ҳолати, бу соҳалардаги зиддиятларни таҳлил қилиш;

республика саноатига миллий кадрлар тайёрлаш масаласининг қўйилиши ва унинг ечими масаласини танқидий ўрганиш;

Ўзбекистон ССР саноатига қайта қуриш сиёсатининг кўрсатган таъсирини очиб бериш;

аграр-саноат комплексининг шакллантирилиши ва уни ривожлантиришдаги муаммоларни очиб бериш;

Ўзбекистон иқтисодиётини янада ривожлантиришга хизмат қилувчи таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** совет иттифоқининг ягона халқ хўжалиги комплексида Ўзбекистон саноатининг тутган ўрни ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг предметини** 1945-1991 йилларда Ўзбекистоннинг ишлаб чиқарувчи кучлари иттифоқ манфаатларига мос равишда жойлаштирилиши, ягона халқ хўжалиги комплексида республика саноатининг асосан пахтачиликни ривожлантиришни кўзлаб таркиблаштирилиши, бошқа тармоқларнинг вужудга келтирилиши ва бу жараёнларда юзага келган зиддият ва муаммоларнинг илмий таҳлили ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тарихий-қийсий, тарихий-типологик, муаммовий-даврий, статистик ва тизимли таҳлил каби усуллар қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

совет ҳокимиятининг мустамлакачилик сиёсатига асосланган марказлаштирилган ва маъмурий-буйруқбозлик бошқаруви доирасида XX асрнинг 70-йилларида Ўзбекистон ССРдаги саноат ишлаб чиқаришининг 95%ига иттифоқ, иттифоқ-республика, 5%ига республика министрликлари раҳбарлик қилган бўлса, 80-йилларга келиб бутун саноат ишлаб чиқаришининг асосий 80%ига иттифоқ ва иттифоқ-республика министрликлари раҳбарлик қилганлиги оқибатида республика иттифоқ министрликларининг мўмай хом ашё манбаига айлантирилганлиги асосланган;

Ўзбекистон ССРда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (пахта толаси, тўқимачилик матолари, пахтачилик машиналари ва б.) турли қитъалардаги 58 та мамлакатга, шунингдек, ўтга чидамли металлларнинг беш хили (молибден ўрамлари, кукунлар, қаттиқ қотишмалар, вольфрам қоришмалари ва карбити) Руминия, Венгрия, Финляндия, Югославия, Болгария, ГДР, Канада, Корея, Вьетнам, Афғонистон ва Монголия давлатларига (марказ орқали) экспорт қилинганлиги аниқланган;

совет ҳукумати томонидан Ўзбекистоннинг рангли ва нодир металл конларини фаол ўзлаштирилгани, аслида, бу металллар совет давлати учун муҳим стратегик аҳамиятига эга бўлган саноатининг етакчи тармоқларини жадал ривожланиши ва экспорт потенциалининг муҳим бандини ташкил этганлиги учун республикадан топилган заҳиралар асосида янги рангли металлургия заводларининг ишга туширилганлиги ва бу корхоналар марказ назорати остида фаолият юритганлиги далилланган;

Ўзбекистон ССР саноатининг бир томонлама ривожланиши олдиндан белгилаб қўйилганлиги, асосан хом ашёни тайёрлаш, қадоқлаш ҳамда ташишга хизмат қилувчи корхоналар тизимидан иборат қилиб қўйилганлиги оқибатида саноат ишлаб чиқаришнинг муҳим иқтисодий кўрсаткичлари пасайиб, республикадаги ялпи саноат маҳсулотларининг ўртача йиллик ўсиши мунтазам равишда тушиб, инқирозга юз тутиб борганлиги далилланган;

Ўзбекистон ССР саноатига маҳаллий миллат вакилларида ишчи кадрлар тайёрлаш ва мавжуд меҳнат ресурсларини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш масалаларини ўз вақтида ҳал этилмаганлиги, юқори малакали инженер-техник ходимларни бошқа республикалардан олиб келиниши оқибатида, саноат бошқарувида миллий кадрларга сунъий равишда йўл берилмай бошқарув ва мутахассис кадрларга тобе қилиб қўйилганлиги, республикадаги меҳнаткашлардан эса, асосан оддий ишчи сифатида фойдаланилганлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат;

тарих фанида тан олинган услуб ва фанлараро ёндашувлар асосида XX аср иккинчи ярмида Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз берган зиддиятли муаммоларни тадқиқ қилишда қўлланилиши мумкин бўлган назарий-услубий жиҳатлар аниқланган;

Ўзбекистон ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг мазкур даврга оид илмий адабиёт ва манбаларининг умумий жиҳатларини таҳлил қилиш билан бирга, тарихий тафаккур ҳамда миллий ғурурнинг шаклланишида муҳим ўрин тутган ўқув адабиётларни такомиллаштириш, муаммонинг қўйилиши, ечими ва талабаларга етказиб бериш сифатини кучайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

Олий ўқув юртлиари тарих факультетларида ўқитилаётган “Туркистонда мустабид совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда амалга оширган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тадбирларининг мустамлакачилик моҳияти. (1917-1991 йй.)”, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш йўлида (1989-1991 йй.)” мавзуидаги махсус курсларга янги маълумотлар киритилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тарих фанида тан олинган ёндашув ва усулларнинг қўлланилгани, бир неча турдаги адабиётлардан фойдаланилгани, бевосита мавзуга тегишли расмий ҳужжатлар, совет идоралари ва коммунистик партия органларининг ўша давр иқтисодиётига оид турли қонунлари ва қарорлари, республика архив ҳужжатлари ва бирламчи манбаларга асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистоннинг совет даври тарихига оид методик ёндашувлар ҳамда иқтисодий муносабатлар бўйича назарий хулосаларни мукамаллаштиришда фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон давлатчилик тарихи, иқтисодий ҳолатни ўрганиш, мавзуга тегишли архив ҳужжатларини чоп этиш, “Ўзбекистон иқтисодиёти тарихи” фанидан ўқув қўлланмаси ёзиш ва электрон дарсликлар яратишга бағишланган мақсадли давлат дастурларининг бажарилишига хизмат қилиши билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** 1945-1991 йилларда Ўзбекистон саноатининг совет иттифоқи ягона халқ хўжалиги комплексидаги ўрнини тадқиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

собиқ совет давлатининг ягона халқ хўжалиги комплексини мустаҳкамлаш, барча иттифоқдош республикаларни бир мажмуага боғлаш, Ўзбекистон саноатининг бир томонлама ривожланиш хусусиятлари, Ўзбекистон халқ хўжалигининг асосан пахтачилик, шу билан бирга, ипакчилик, қорақўлчилик ва мевачиликка ихтисослашгани ҳақидаги натижалардан “Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи” дарслигининг “Совет ҳукмронлиги даврида Ўзбекистонда давлат қурилиши ва бошқаруви” мавзуини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 1 майдаги 89-03-1615–сон далолатномаси). Натижада бу талабаларга совет давлатининг халқ хўжалигини бошқаришда республика манфаатларини ҳисобга олмагани, Ўзбекистоннинг имкониятлари, унинг меҳнат ресурслари, меҳнат тақсмоти шакллари эътибордан четда қолгани, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришда жиддий хатоликларга йўл қўйилгани ҳақидаги маълумотларни ўзлаштиришига имкон берган;

иттифоқнинг ягона халқ хўжалиги комплекси доирасида Ўзбекистонда ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлаштирилиши, янги конлар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг барпо этилиши, геологик қидирув ишлари ва уларнинг натижаларига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси “Геология музейи” экспозицияларини бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар Давлат Қўмитасининг 2018 йил 13 июндаги 04/14-сон маълумотномаси). Натижада бу ҳол музейга ташриф буюрувчиларнинг Ўзбекистондаги мавжуд конлар ва улардан совет давлати ҳукмронлиги йилларида фойдаланиш йўллари ҳамда қазиб олинган қимматбаҳо металллар ҳақида муҳим маълумотларга эга бўлишига имкон берган;

Ўзбекистон иқтисодий районлари орасида Фарғона иқтисодий районининг ўрни, ундаги саноат корхоналарининг ноқилона жойлаштирилиши, унинг оқибатлари ҳамда Фарғона ва Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводи, Андижон, Фарғона гидролиз заводлари, тўқимачилик комбинатларида режалаштиришнинг кўп босқичли, ғоят мураккаб ҳолда олиб борилганлигини исботловчи маълумот ва хулосалардан Андижон вилояти тарихи ва маданияти давлат музейининг “Андижон вилояти совет ҳокимияти тузими даврида” экспозицияларини бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 19 апрелдаги

01-11-10-2732 – сон маълумотномаси). Натижада бу маълумотлар музейга ташриф буюрувчиларнинг Андижон вилоятида фаолият юритган саноат корхоналари, конлар ва улардан совет давлати йилларида фойдаланиш йўллари ҳақида муҳим маълумотларга эга бўлишга имконини яратган;

Фарғона иқтисодий райони таркибида бўлган Наманган вилоятида янги саноат корхоналарининг барпо этилиши, уларнинг бошқарилиши жараёнида йўл қўйилган хато ва камчиликларни очиб беришга қаратилган манбалар ва илмий хулосалардан Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи экспозицияларини бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 19 апрелдаги 01-11-10-2732 – сон маълумотномаси). Натижада булар ушбу музейларга ташриф буюрувчиларда Наманган вилоятидаги саноат корхоналарининг тарихи, советларнинг халқ хўжалигини бошқариш тизимининг хусусиятлари ҳамда унинг салбий оқибатлари ҳақидаги маълумотлар билан танишишига имкон берган;

XX аср 20-80-йилларида Ўзбекистонда олиб борилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ўзгаришларнинг моҳияти, совет тузумининг халқ хўжалиги устидан умумий раҳбарлик қилишининг мақсади, амалиёти ва оқибатлари, жумладан, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги қайта тиклаш йилларида ўзбек халқининг фидокорона меҳнати, 80-йилларнинг иккинчи ярмида жамиятда танглик ҳолатининг кучайиши билан боғлиқ ҳолатлар бўйича олинган илмий натижалардан ИФА2012-1-4 “Ўзбекистоннинг совет даври тарихи (1917-1991 йиллар). 2-жилд” мавзуидаги инновацион лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 1 майдаги 89-03-1614 – сон далолатномаси). Бу совет даврида ўтказилган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларни бирламчи манбалар асосида чуқурроқ ёритиб беришга имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 20 та республика миқёсидаги ва 4 та халқаро илмий-амалий конференцияларда: “Об истории агропромышленного пищевого комплекса Узбекистана (80-90-е годы XX века)” (Актюбе, 2011); “The soviet Government’s policy targeted at expropriation and acquisition of Uzbekistan’s natural resources (In case of natural gas industry during 1950-1970)” (Germany, 2014); “Из истории системы органов управления народным хозяйством в Узбекистане (1925-1965 гг.)” (Кемерово, 2019); “Об истории совнархозов Узбекистана (1950-1960 гг.)” (Пенза, 2019) апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, шунингдек, хорижий журналларда 5 та мақола эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 257 varaқни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асослаб берилган, ўрганилиш даражаси тавсифланган, ишнинг мақсади ва вазифалари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

**“Совет давлатининг ягона халқ хўжалиги комплексини мустақкамлашга қаратилган сиёсати”** деб номланган биринчи бобда Совет Иттифоқининг ягона халқ хўжалиги комплекси шаклланишининг назарий асослари ва амалиёти, Ўзбекистон ССР саноатини бошқариш органлари ва уларнинг хусусиятлари таҳлил этилди.

Совет ҳукуматининг ўта марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик, коммунистик партиянинг эса яккаҳоқимлик сиёсати юритилган даврда Совет Иттифоқи ягона халқ хўжалиги мажмуининг шаклланиши ва такомиллашиб бориши жараёнида Ўзбекистоннинг чинакам манфаатлари, ўзига хос шароити ва имкониятларига беписанд қаралди. Бинобарин, коммунизм ғояси асосчилари социализмда ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш “бутун жамият манфаатларини кўзлаб” ягона режа асосида юз беришини олдиндан белгилаган эдилар. Жумладан, Ф.Энгельс ўзининг “Анти-Дюринг” асарида шундай деб ёзганди: “Ўз ишлаб чиқарувчи кучларини ягона умумий режа асосида бир-бири билан уйғунлаштириб тузишга қодир бўлган жамиятгина саноатнинг бутун мамлакатда тараққий қилиши ва сақлаб қолиниши учун, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг бошқа элементларининг ривожланиши учун энг қулай бўлган бир тарзда жойлаштиришга имкон бериши мумкин”<sup>14</sup>. Бу “башорат” коммунистларнинг социалистик ишлаб чиқарувчи кучларни режали равишда жойлаштиришида ўз амалий ифодасини топди.

В.И.Ленин эса “совет иқтисодиётини бир бутун” деб билар ва “бутун мамлакат миқёсида иқтисодий бирликни таъминлаш зарур”<sup>15</sup> деб ҳисоблаган.

Коммунистик партия ва совет давлати томонидан СССР таркибидаги республикаларни бир-бирига боғлаш мақсадида ташкил этилган ягона халқ хўжалиги комплекси шундай бир тизим эдики, унда умумхалқ мулки ва ижтимоий меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқариш, айирбошлаш, ижтимоий маҳсулотни тақсимлаш ва ўзлаштиришнинг ҳамма бўғинлари мажбурий бирлаштирилганди. Бу комплекс бутун мамлакат ҳудудидаги ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳамма бўғинларини, шунингдек, иттифоқдош республикалар ва иқтисодий районлар халқ хўжалигини қамраб олган эди.

Бутун социалистик жамиятнинг, умуман бутун мамлакатнинг эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ вазифаларни ҳал қилишда, энг аввало, ҳар бир ҳудуднинг роли ва тутадиган ўрнига урғу берилган эди. Шунга биноан, иқтисодий ҳудуднинг хўжалик комплексидаги ихтисослаштирилган тармоқлари, яъни хўжаликнинг умумиттифоқ аҳамиятига эга бўлган асосий

<sup>14</sup>Энгельс Ф. Анти-Дюринг. – Т.: Ўзбекистон, 1979. – Б. 299.

<sup>15</sup>Ленин В.И. Тўла асарлар тўплами. 41-жилд, – Б.182.

бўғини белгиланган. Масалан, Москва вилоятида асосий тармоқлар – машинасозлик ва электротехника, Уралда – металлургия ва машинасозлик, Озарбайжонда – нефть саноати ва пахтачилик, Украинада – кўмир саноати, металлургия, дон хўжалиги ва қанд саноати, иттифоқнинг шимолий районларида – ўрмон хўжалиги, Ўрта Осиё республикаларида – пахтачилик, ипакчилик, қорақўлчилик, Қозоғистонда – рангли металлургия, чорвачилик, дон хўжалиги ва бошқалар<sup>16</sup>.

Иқтисодиёт соҳасидаги сиёсатнинг асосий вазифаси – барча республикаларни турли иқтисодий алоқалар билан ягона мажмуага боғлаш, уларнинг Марказга тобелигини мустаҳкамлашдан иборат бўлган. Совет ҳокимияти йилларида қарор топтирилган ягона халқ хўжалиги мажмуасида Ўзбекистон ССР ҳам бир таркибий қисм ҳисобланарди. Бироқ республикалар ўртасида қарор топган бу “иқтисодий иттифоқ” тенгсизлик негизида ташкил қилинган ва у иқтисодий ҳудудларга бўлиб ривожлантирилган эди.

Шу билан бирга, республикалар комплекс хўжаликни ривожлантиришда республикалараро меҳнат тақсимоотида фаол иштирок этиши ва ишлаб чиқаришни жойлаштириш тамойилларига (хизмат кўрсатувчи ва маҳаллий аҳоли истеъмоли учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларни барпо этишда) ҳалал бермасликлари қатъий белгилаб қўйилган эди<sup>17</sup>.

Ўрта Осиё иқтисодий райони таркибидаги Ўзбекистон ҳудуди табиий-иқтисодий жиҳатдан ўзига хос бўлиб, у 6 қисмга – Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қарши, Бухоро–Қизилқум (таркибига Бухоро вилояти ҳамда янги тузилган Навоий вилояти кирарди), Қуйи Амударё–Сурхондарё иқтисодий районларига бўлинган эди<sup>18</sup>.

Ўзбекистон иттифоқ партия-совет органларига тўла қарам бўлиб, унинг раҳбарияти Марказдан юборилган турли директиваларни, шу жумладан, республиканинг ички ижтимоий-сиёсий ҳаётига тааллуқли кўрсатмаларни сўзсиз, оғишмай бажаришга мажбур эди, уларда эса республикадаги мавжуд воқелик ҳамшиша ҳам ҳисобга олинмасди<sup>19</sup>.

Умумиттифоқ меҳнат тақсимоотида Ўзбекистон халқ хўжалиги асосан пахтачилик, шу билан бирга, ипакчилик, қорақўлчилик ва мевачиликка ихтисослашуви белгилаб берилган бўлиб, саноатнинг ривожланиши, аввало, умумиттифоқ меҳнат тақсимоотида республика олдида қўйилган асосий сиёсий-иқтисодий вазифани ҳал қилишга, яъни пахтачиликни ривожлантиришга, ундан кейингина комплекс халқ хўжалигини яратишга бўйсундирилди<sup>20</sup>.

Шундай қилиб, Ўзбекистонни саноат жиҳатдан ривожлантиришнинг дастлабки давридаёқ республика иқтисодиётини ривожлантириш манфаатларини бутун мамлакат иқтисодиёти манфаатлари билан гармоник

<sup>16</sup> Бедринцев К. СССР халқ хўжалигида Ўзбекистоннинг ўрни. – Т.: Қизил Ўзбекистон, Правда Востока, Ўзбекистони Сурх, 1953. – Б. 4.

<sup>17</sup> Валиев Т.С. Выравнивание уровней экономического развития советских республик. – М.: Высшая школа, 1973. – С. 104.

<sup>18</sup> Зиядуллаев С. К. Региональные проблемы экономики Узбекистана. – Т.: Фан. 1986. – С.15.

<sup>19</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Т.: 2000. – Б. 312.

<sup>20</sup> Бедринцев К.Н. СССР халқ хўжалигида Ўзбекистоннинг тутган ўрни. – Т., 1953. – Б. 25.

тарзда уйғунлаштиришни таъминловчи тармоқ тизимини барпо этиш тамойилига амал қилинган эди. Бунинг натижасида, улкан табиий бойликлар ва илмий салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон ўзининг бу шароит ҳамда имкониятларидан ўз манфаати учун фойдалана олмади. Бунга бир неча ўн йиллар давомида республика иқтисодиётини юқоридан бошқариладиган ягона халқ хўжалиги комплекси таркибий қисмига айлантириш орқали йўл қўйилмади. Ўзбекистон иқтисодиёти асосан Марказ манфаатлари учун хизмат қилди. Социалистик халқ хўжалигини бошқаришнинг бу тамойили “демократик централизм” тамойили эди.

Бу ҳақда коммунистик партиянинг асосчиси В.И.Ленин шундай деган эди: “Давлатнинг бутун иқтисодий механизмини бирлашган катта машинага, юз миллионларча кишиларни бир режа билан ишлайдиган бир хўжалик организмига айлантириш керак”<sup>21</sup>.

Урушдан кейинги йилларда ҳам (олдин вужудга келтирилган) бошқарувнинг марказлаштирилган характери сақлаб қолинди. 1946 йилдан халқ хўжалиги тармоқлари иттифоқ ва иттифоқ-республика ҳамда республика министрликлари орқали бошқарилган. Улар ўз вақтида социалистик саноат тармоқларини ривожлантириш билан бирга, янги саноат тармоқларини вужудга келтиришда алоҳида роль ўйнаган эди. Саноатга раҳбарликни кучайтириш учун доимий органлар – тармоқ саноат министрликлари тузилган.

1957 йилда Ўзбекистондаги саноат ва қурилишга 28 иттифоқ, 17 иттифоқ-республика ва 5 республика министрликлари раҳбарлик қиларди. Ўзбекистондаги 8 та иттифоқ-республика ва республика саноат министрликлари ҳамда марказий аппаратларда 79 та бошқарув бўлимлари, 52 ўрта звено бўлимлари ҳамда 383 та таъминот ва тайёрлов ташкилотлари бор эди. Улардаги бошқарув аппаратида эса 6 минг нафар мансабдор ишларди<sup>22</sup>.

КПСС Марказий Комитетининг 1957 йил февраль Пленумида саноат ва қурилишга раҳбарлик қилишнинг ташкилий шакллари қайта кўриб чиқилиб, “Саноат ва қурилишни бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида” Қонун қабул қилинди. Шу ҳужжатга мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети қабул қилган қонунга асосан эса республика ҳудудида тўрт иқтисодий-маъмурий район: Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Қорақалпоғистон иқтисодий-маъмурий районлари ташкил этилди<sup>23</sup>. Бу иқтисодий районларнинг ҳар бирида Ўзбекистон ССР Министрлар Советига бўйсунадиган халқ хўжалик кенгашлари тузилди.

Умуман айтганда, саноатни халқ хўжалик кенгашлари орқали бошқариш ташкил этилганида саноат ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш имконияти иқтисодий район доирасидагина кенгайди. Саноатнинг турли тармоқларидаги корхоналар учун ускуналарни ишлаб чиқариш ва ремонт қилиш бўйича ихтисослаштирилган умумий заводлар

<sup>21</sup> Ленин В.И. Тўла асарлар тўплами. 27-жилд. – Б. 79.

<sup>22</sup> Бу ҳақда қаранг: Очерки истории коммунистической партии Узбекистана. – Т.: Узбекистан, 1964. – С. 434.

<sup>23</sup> Мухиддинов Н.А. Ўзбекистон ССРда саноат ва қурилишни бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида. – Т.: Ўздавнашр, 1957. – Б. 4-22.

барпо этилди, район корхоналари ўртасида кооперация алоқалари йўлга қўйилди. Бироқ вақт ўтиши билан саноат бошқарувининг мазкур тизимида ҳам иқтисодий ривожлантиришга халақит берувчи жиддий камчиликлар намоён бўла борди.

Ўзбекистондаги халқ хўжалиги кенгаши ҳам 100 дан ортиқ саноат тармоғига эга бўлган 1500 дан кўпроқ корхонани бирлаштирган ҳолда иш олиб борди. Бундай ҳаддан ташқари марказлаштириб раҳбарлик қилиш ҳам дастлабки йилларданок ҳаётда ўзининг салбий томонларини кўрсатди. Мисол учун, 1961 йилда Ўзбекистон халқ хўжалиги кенгашига қарашли 49 корхона ишлаб чиқариш режасини бажара олмагани натижасида 36 миллион рубллик маҳсулот етказиб берилмади<sup>24</sup>. 1962 йилда эса 404 та саноат корхонасидан 36 таси йиллик режани бажармагани оқибатида 15 млн рубль миқдорида маҳсулот етказиб берилмади<sup>25</sup>.

Орадан кўп вақт ўтмай, КПСС МКнинг сентябрь (1965 йил) пленумида “Саноатни бошқаришни яхшилаш, режалаштиришни такомиллаштириш ва саноат ишлаб чиқаришни иқтисодий рағбатлантиришни кучайтириш тўғрисида” махсус қарор қабул қилиниши<sup>26</sup> билан саноатни тармоқ асосида бошқариш тамойилига қайтилди. Лекин бу иқтисодий бошқаришда маъмуриятчилик усулидан воз кечилганини англатмасди<sup>27</sup>.

Шу аснода 1957 йилдан 1965 йилгача майдонга келган халқ хўжалигини бошқариш органлари ўрнига янги асосда иқтисослашган саноат министрликларини ташкил қилиш бошланди.

Саноатни бошқариш ва режалаштиришнинг мазкур тизими жорий этилиши билан 1966 йил 1 январида мамлакат бўйича 43 корхона янги тизим асосида ишлай бошлаган бўлса, йил охирига келиб бу сон 704 тага етди. 1967 йилда саноат корхоналарини мазкур тизимга оммавий ўтказиш бошланди ва ўша йилнинг охирига келиб 7089 корхона янги тизимга ўтди<sup>28</sup>.

Ўзбекистонда 1966 йилда 6 та корхона режалаштириш ва бошқаришнинг мазкур тизими асосида ишлай бошлаган бўлса, 1967 йилнинг охирига бориб, янги тизимга 137 корхона, 1968 йилда эса 452 корхона ўтказилди<sup>29</sup>. Мазкур йилда бу саноат корхоналарининг 68 таси иттифоққа, 282 таси иттифоқ-республикага, 100 таси республикага бўйсунган<sup>30</sup>.

Агар 1972 йилда Ўзбекистондаги саноат ишлаб чиқарушининг 27,2%га Иттифоқ министрликлари, 67,4%га иттифоқ-республика, 5%га республика министрликлари раҳбарлик қилган бўлса, 1975 йилда бу кўрсаткич мос равишда – 33,3, 58,7 ва 8% бўлган<sup>31</sup>. 80- йилларга келиб бутун саноат ишлаб чиқаришнинг 80%ига иттифоқ ва иттифоқ-республика министрликлари,

<sup>24</sup> Ўзбекистон РПДА. 58-фонд, 226-рўйхат, 225-иш, 5-варақ.

<sup>25</sup> Ўзбекистон МДА. 2384-фонд, 1-рўйхат, 1025-иш, 2-варақ.

<sup>26</sup> История Отечества: люди, идеи, решения. Очерки истории Советского государства. Сост. В.А.Козлов. – М.: Политиздат, 1991. – С. 366.

<sup>27</sup> История Отечества. Сост. Б.Ю.Иванов и др. – М.: Большая Российская энциклопедия, 1999. – С. 90.

<sup>28</sup> Ўша жойда. – Б. 34.

<sup>29</sup> “Ўзбекистон коммунисти”, 1968, № 12. – Б. 3.

<sup>30</sup> Социально-экономическое развитие советского Узбекистана. – Т.: Фан, 1977. – С. 164.

<sup>31</sup> Ўша жойда. . – С. 172.

20%ига республика министрликлари раҳбарлик қилган. Бундан кўринадики, Ўзбекистон Иттифоқ министрликларининг мўмай хом ашё манбаи ҳисобланган.

СССРнинг ягона халқ хўжалиги комплексида Ўзбекистон мамлакатнинг пахта базаси ҳисоблангани ва пахтачиликни умумиттифоқ манфаатларига мослаштирилгани республиканинг саноат тузилмасига ҳам таъсир этди. Республикада индустриал тузилманинг вужудга келиши пахтачилик билан боғлиқ саноат тармоқлари ривожланишини тақозо этди. Пахтачилик саноати комплексига пахта ёғи ишлаб чиқариш саноати, минерал ўғит етиштириш, пахта тозалаш, тўқимачилик саноати учун машина ҳамда ускуналар етказувчи корхоналар, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги кабилар кирарди<sup>32</sup>. Ўзбекистоннинг фойдали қазилмаларга ҳам бой бўлиши эса бошқа хўжалик тармоқларининг ривожлантирилишига сабаб бўлди.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон ҳудудида газ, кўмир, нефть, мис, кўрғошин, руҳ, олтин, марганец, графит каби турли бойликларнинг каттагина конлари очилди. Бу бойликлар социалистик иқтисоднинг ривожланиши ва Ўзбекистоннинг бутуниттифоқ меҳнат тақсимоотида тутган ўрнининг янада ошишида катта роль ўйнади<sup>33</sup>.

Хуллас, Марказ томонидан Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришдаги ёндашувлар (саноат объектлари асосан стихияли равишда, аниқроғи, буйруқбозлик асосида, республикадаги илм-фан вакиллари, билимли ва тажрибали мутахассисларнинг тавсиялари эътиборга олинмай жойлаштирилди), халқ хўжалигини, унинг етакчи тармоқларини ривожлантиришдаги номутаносиблик ижтимоий, иқтисодий ва миллатлараро муносабатларда кескинликни авж олдирди. Иттифоқ билан минтақавий халқ хўжалик алоқаларининг бузилиши ҳамма жойда режалаштирилган асбоб-ускуналар, бутловчи материаллар ва ҳоказоларни етказиб беришнинг барбод бўлишини чуқурлаштирди. Буларнинг ҳаммаси республика сиёсий раҳбариятининг салбий тамойилларни тўхтатиб қолиш, миллий иқтисодиётни соғломлаштириш имкониятларини чеклаб қўйган эди.

**“СССР ягона халқ хўжалиги комплексида Ўзбекистон саноатининг бир томонлама ривожланиши хусусиятлари”** деб номланган иккинчи бобда Ўзбекистон оғир саноатининг пахтачиликни ривожлантиришга йўналтирилиши ҳамда республикада енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқларининг ҳолати масалалари тадқиқ этилган.

Урушдан кейин саноат ишлаб чиқаришида приципиал силжишлар рўй берди. Тинчлик мақсадларида ишлатиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга, пахтачиликни ривожлантиришга ўтиш республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг Иттифоқнинг ягона халқ хўжалиги комплексидаги асосий вазифалари бўлди. 1946-1950 йиллар мобайнида СССР халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш беш йиллик режаси тўғрисида СССР Олий Советининг биринчи сессияси томонидан қабул қилинган

<sup>32</sup> Ўзбекистон саноати структурасидаги прогрессив силжишлар. – Т.: Фан. 1974. – Б. 25.

<sup>33</sup> Аҳмедов Э. Бутуниттифоқ меҳнат тақсимоотида Ўзбекистоннинг ўрни. – Т., 1970. – Б. 5

Қонунга<sup>34</sup> асосан республика саноати олдиға оғир вазифалар кўйилди. Ўзбекистон халқи олдидаги асосий вазифалар: пахта ва Марказ белгилаган бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришни кескин кўпайтириш, шунингдек, уларни қайта ишловчи тармоқларни ривожлантириш, қайта жиҳозлаш, ишчи кадрларни тайёрлашдан иборат эди. Айни йилларда республикада, бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги, оғир саноат тармоғига ҳам катта эътибор берилди.

Иттифоқ ҳукумати томонидан Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялашга, ирригация ва мелиорация қурилишига, шунингдек, хўжаликни комплекс ривожлантиришни таъминлаш мақсадида энергетика ва ёқилғи саноатини, машинасозликни, бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш, енгил саноатни ва бошқа тармоқларни юксалтиришга қаратилган тадбирлар амалга оширилди. Айниқса, янги ерларни ўзлаштиришга катта маблағ ажратилди (агар учинчи беш йилликда республика қишлоқ хўжалигига 86 млн сўм ажратилган бўлса, тўртинчи беш йилликда 140 млн сўм<sup>35</sup>, бешинчи беш йилликда 502, млн сўм, биргина 1956 йилнинг ўзида 227,6 млн сўм ажратилган<sup>36</sup>).

Пахтачиликни янада ривожлантириш мақсадида бир қатор машинасозлик заводлари (“Тошқишлоқмаш”, “Ўзбекқишлоқмаш”, “Красный двигатель”, “Подъёмник” ва бошқалар) тракторлар учун тиркама механизмлар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга қайта ихтисослаштирилди. Бу даврда Ўзбекистонда 150 дан ортиқ янги саноат корхоналари ишга туширилди. Йирик саноат корхоналарининг умумий сони 1946 йилда 1425 та бўлса, бу рақам 1950 йилга келиб 1648 тага етди<sup>37</sup>.

Ўзбекистонда урушдан кейинги йилларда энергетика соҳасини ривожлантиришга эътибор кучайтирилиб, муҳим аҳамиятга эга бўлган Фарҳод гидро-электростанцияси қуриб тугатилди. Энергетика базаси тараққий эттирилиши натижасида 1946-1950 йилларда электр станцияларининг қуввати 325 минг квтдан ошди, яъни 1940 йилга нисбатан 3 марта кўпайди. Шу йилларда республика саноатининг бутун ялпи маҳсулоти 83%га ошди,<sup>38</sup> ишчиларнинг сони 29,7%, бир ишчининг ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажми 41%га кўпайди.

Ўзбекистон саноатининг ўсиши унинг Иттифоқ саноатида тутган салмоғи ўсиб боришини таъминлади. Республика пахта толаси, ипак, ўсимлик мойи, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик машиналари тайёрлаш бўйича мамлакатда илғор ўринларни эгаллади. Шулар билан бирга, Ўзбекистон иттифоқдош республикаларга экскаваторлар, кўтариш кранлари, электротехника ва қурилиш ускуналари, сим, электр ва

<sup>34</sup> “Правда Востока”, 2 сентября 1946 г.

<sup>35</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР в 1972 г. – Т.: Узбекистан, 1973. – С. 213.

<sup>36</sup> Узбекистан за 40 лет советской власти. Статистический сборник. – Т.: Узбекистан, 1958. – С. 87.

<sup>37</sup> Совет Ўзбекистони экономикаси ва маданиятининг ривожланиши. – Т., 1958. – Б. 123.

<sup>38</sup> Мусаев М. Ўзбекистон ССР. – Т., 1960. – Б. 107.

радио лампалари, йигирув машиналари ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари етказиб берди<sup>39</sup>.

1950 йилда Ўзбекистонда 2.225 минг тонна пахта етиштирилган бўлса<sup>40</sup>, 1960 йилда унинг миқдори 2.824 минг тоннага етди<sup>41</sup>. Ўша йили республика СССРда етиштирилаётган пахтанинг 60%га яқинини бериб, Миср, Эрон, Афғонистон ва Японияда тайёрланган пахта миқдorigа нисбатан 2 баравар кўп пахта ҳосили ундирган эди. Шу йил Ўзбекистон пахта тайёрлашда Хитой ва АҚШдан кейин учинчи ўринни эгаллаб, дунёда етиштириладиган пахта толасининг еттидан бир қисмини ишлаб чиқарган<sup>42</sup>.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Совет ҳукумати томонидан иқтисодийнинг марказлашган ҳолда режалаштирилиши Ўзбекистон саноати ривожланишида жиддий зиддиятлар келиб чиқишига сабаб бўлди. Юқоридан режалаштирилган йўл-йўриқлар одатда “жадаллаштириш” сиёсатига асосланган бўлиб, Ўзбекистон учун саноатни ҳаддан ташқари оширилган мезон ва суръатлари белгиланарди. Ишлаб чиқариш режаларининг ҳаддан ташқари юқори белгиланиши кўп ҳолларда уларнинг бажарилмаслигига олиб келарди. Мисол учун 1961 йилда биргина машинасозлик саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш режасидаги бажарилмай қолган қисм 7,2%ни ташкил этиб, у тайёр маҳсулот нархида ҳисоблаганда 12657,7 минг рублни ташкил этган<sup>43</sup>.

Саноатнинг бошқа тармоқларига қараганда кўптармоқли машинасозлик индустрияси (жумладан, унинг янги тармоғи – тракторсозлик), кимё, нефть, кўмир, газ, кон-руда, олтин қазиб олиш ва, айниқса, энергетика саноати жадал ривожлантирилди. Натижада, республикада электр қуввати ишлаб чиқариш 1985 йилда 1940 йилга нисбатан 180 баробарга кўпайди. Ўзбекистонда энергетика тармоғининг бу даражада ривожлантирилиши Марказнинг кундан-кунга хом ашёга бўлган эҳтиёжининг ортиб бориши, республика ҳудудидаги ер ости ва ер усти бойликларини олиш ва қайта ишлаш учун катта миқдорда электр қуввати зарур бўлгани билан изоҳланади.

XX аср 50-60-йилларида Ўзбекистонда кимё индустриясининг янги тармоғи – гидролиз саноати яратилди. Ана шу йилларда Андижон гидролиз заводи, Фарғонадаги фурфурол<sup>44</sup> бирикмалари заводи, Янгийўл биокимё заводи барпо этилди.

Таҳлил этилаётган даврдаги совет хўжалик тизимининг хусусияти нафақат республика саноатининг, балки бутун иқтисодийнинг бир томонлама ривожланишини олдиндан белгилаб қўйди ва Ўзбекистоннинг бошқа республикалар билан иқтисодий муносабатларида жиддий қийинчиликлар туғдирди. Бу сиёсат оқибати шу бўлдики, XX аср 70-80-

<sup>39</sup>Зиёдуллаев С. Совет Ўзбекистони саноатининг ривожланиши // Ўзбекистон коммунисти. №1. 1954. – Б. 30.

<sup>40</sup>Зиядуллаев С.К. Узбекская ССР в едином союзе братских республик. – М.: Знание, 1980. – С. 38.

<sup>41</sup>Народное хозяйство Узбекской ССР в 1960 году. Краткий статистический сборник. – Т., 1961. – С. 25.

<sup>42</sup>Баратов П. Етти йилликда Ўзбекистон ишлаб чиқарувчи кучларининг ўсиши ва жойлаштирилиши. – Т.: Ўзбекистон Бирлашган нашриёти, 1960. – Б. 6.

<sup>43</sup>Ўзбекистон МДА, 2384-фонд, 1-рўйхат, 939-иш, 121-варак.

<sup>44</sup>Фурфурол – органик синтези кўп маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган хом ашё бўлиб, Ўзбекистон Иттифоқда уни етказиб берувчи асосий район ҳисобланарди.

йилларида саноат ишлаб чиқариш ривожини, унинг ҳажми ва меҳнат унумдорлиги суръатлари пасайиб, маҳсулотлар сифати, бошқа энг муҳим иқтисодий кўрсаткичлар ёмонлашиб кетди.

Хуллас, Ўзбекистон саноатининг тузилиши ва ҳудудий жойлаштирилишида йўл қўйилган бу нуқсонлар шунга олиб келдики, 80-йиллар охири 90-йиллар бошида ҳам республика саноат ишлаб чиқаришидаги деярли барча ўсишлар ҳам ашё ва ресурс тармоқлари (пахта тозалаш, ёқилғи саноати, қора ва рангли металлургия) ҳисобига таъминланди. Уларнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 60%га етди. Ҳолбуки, машинасозлик ва металлга ишлов бериш саноатининг салмоғи фақат 16%ни ташкил этиб, бу икки банддан камроқ кўтарилишни аниқларди. Бу ҳол республикалараро ноэквивалент алоқаларга олиб келди.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон халқини енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари билан, саноатнинг қайта ишлаш соҳасини эса ҳам ашё билан таъминлаш масаласини ҳал этиш узок йиллар мавҳумлигича қолаверди. Ўзбекистонда озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга тўсқинлик қилиб келган асосий сабаблар шу эдики, бу саноатнинг бир қатор тармоқларида (консерва, гўшт, сут ва бошқа тармоқларда) ҳам ашё етишмас, бутунлай ёки қисман четдан келтириладиган ҳам ашёда ишлайдиган бошқа тармоқларда эса (новвойхоналар, кондитер, пиво тайёрлаш ва бошқаларда) ишлаб чиқариш қувватлари жуда суст ўстирилди<sup>45</sup>.

Ўзбекистонда 1953-1959 йилларда аҳоли жон бошига истеъмол қилиш: гўшт маҳсулотлари бўйича – 1,4 марта, сут ва сут маҳсулотлари бўйича – 1,7 марта, кийим сотиб олиш бўйича – 1,5 марта, мебель ва хўжалик моллари хариди бўйича – 2,1 марта, маданий моллар бўйича – 2,8 марта ошди. Бироқ бу ҳали республика аҳолисининг кенг истеъмол маҳсулотлари билан тўла таъминланганини мутлақо билдирмас эди. Ўзбекистон аҳоли жон бошига маҳсулот етиштириш ва истеъмол қилишда бошқа республикалардан анча орқада қолганди. Масалан, 1955 йилда республикада аҳоли жон бошига 14 кг гўшт, 62 кг сут, 29 кг сабзаёт етиштирилган бўлса, СССР бўйича ўртача бу рақамлар тегишинча 32 кг, 215 кг, 71 кгни ташкил этган<sup>46</sup>.

Албатта, умуман олганда, республикада озиқ-овқат молларини ишлаб чиқариш беш йилликдан беш йилликка ўсиб борган (масалан, ўнинчи беш йилликда ўртача йиллик ўсиш саккизинчи беш йилликдаги 4,1%дан 8,6%га етган<sup>47</sup>). Бунинг яна бир сабаби, 1985-1988 йилларда озиқ-овқатни қайта ишлаш корхоналари сони 271 тадан 495 тага етган эди<sup>48</sup>. Шундай бўлса-да, асосий озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш бўйича республика Иттифоқдаги ўртача даражадан анча пастлигича қолаверди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ўзбекистон саноатидаги ўзгаришлар ва унинг ўзига хос хусусиятлари”** деб номланган бўлиб, унда республика

<sup>45</sup> Цунц З. Ўзбекистон озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг етилган масалалари // Ўзбекистон коммунисти. № 12. 1971. 31-бет.

<sup>46</sup> Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – Б. 145.

<sup>47</sup> Зиядуллаев С. Индустрия советского Узбекистана. – Т.: Узбекистан, 1972. – С. 96.

<sup>48</sup> “Ўзбекистон коммунисти”, 1990. № 11. – Б. 30.

ёқилғи саноатида янги тармоқларнинг вужудга келтирилиши ва унда йўл қўйилган камчиликлар, Совет ҳукуматининг Ўзбекистон ер ости бойликларини ўзлаштиришга қаратилган сиёсати бирламчи манбалар асосида тадқиқ этилган.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллариданок Туркистон ўлкасидаги табиий бойликлар режали равишда ўрганила ва ўзлаштирила бошланган. Агар илгари қидирув-разведка ишлари айрим мутахассислар томонидан якка тартибда олиб борилган бўлса, кейинчалик фойдали қазилмаларни қидириб топиш ва самарали ўрганиш борасида комплекс ишларни амалга оширадиган махсус йирик илмий, илмий-ишлаб чиқариш муассасалари ташкил этилди ва улар мунтазам молиялаштириб борилди.

Ўрганилаётган йилларда Ўзбекистонда фойдали қазилмаларнинг кўпгина конлари очилиб, улардан социалистик хўжаликнинг моддий хом ашё базаси сифатида фойдаланилди. Шу давр ичида совет ҳокимияти томонидан ажратилган маблағ ва республикага сафарбар этилган кўплаб геология-қидирув отрядлари<sup>49</sup> ҳаракати натижасида республикада саноатнинг рангли металлургия, нефть, кўмир, айниқса, газ қазиб олиш соҳаси сезиларли ривожланди. Хусусан, 1940 йилда Фарғона водийсидан нефть олиш жараёнида 700 минг метр<sup>3</sup> газ ажратиб олиниб, ундан нефть корхоналарини иситиш мақсадида фойдаланилган эди<sup>50</sup>. 1942 йилда Андижон нефть кони билан Андижон шаҳри орасига 14 километр масофали газ қузури қурилиб фойдаланишга топширилди<sup>51</sup>. 1958 йилда республика бўйича жами 125042 млн метр<sup>3</sup> табиий газ чиқарилиб,<sup>52</sup> Андижон ва Фарғона каби шаҳарларни газ билан таъминлагани айтилса-да, аслида табиий газ билан таъминланган хонадонлар сони атиги 5,3 мингга ташкил этган, холос.

Янги конлардаги нефть билан бирга келувчи газдан фойдаланиш ҳам ёмон аҳволда эди. Масалан, Полвонтош, Бўстон, Хартум, Шимолий Риштон, Шимолий Сўх, Чўнгара, Хонқиз, Аввал конларида йўқотилган нефть билан бирга келувчи газ 70%дан 100%гача етарди<sup>53</sup>.

1959 йилда КПСС МК 1-котиби ва СССР Министрлар Совети раиси Н.С. Хрушчев йирик саноат маркази бўлган Урални табиий газ билан таъминлаш учун Бухорода газ саноатини ташкил этиш бўйича буйруқ берди. Шундан сўнг Бухоро Халқ Хўжалиги Кенгаши олдига 1959 йилда газ қазиб чиқаришни 100 млн метр<sup>3</sup>га, 1965 йилда 17,8 млрд метр<sup>3</sup>га етказиш вазифаси қўйилган эди<sup>54</sup>.

Агар 1958 йилда Ўзбекистон ССР ёқилғи балансида табиий газнинг салмоғи 3,3% ҳисобланган бўлса, 1965 йилда у 50%дан ошди. 1958 йилда умумий ёқилғи қазиб чиқаришда газнинг салмоғи 4%ни ташкил этган бўлса,

<sup>49</sup> Худойбердиев Н.Ж. Қардош халқлар ягона оиласида. – Т.: Ўзбекистон, 1974. – Б. 38.

<sup>50</sup> Қахҳоров А. Ўзбекистон ёқилғи саноати 30 йил ичида. – Т.: Ўзбекистон, 1972. – Б. 22.

<sup>51</sup> Муҳиддинов А., Тожиёв Т. Ўзбекистоннинг қора олтини. – Т.: Фан, 1971. – Б. 26.

<sup>52</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 201-рўйхат, 741-иш, 187-варақ; Ўзбекистон ССР индустрияси юксалишда. – Т.: Ўзбекистон, 1985. – Б. 8.

<sup>53</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 189-рўйхат, 686-иш, 69-варақ.

<sup>54</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 201-рўйхат, 741-иш, 9-варақ.

1965 йилга келиб 80,1%га кўтарилган<sup>55</sup>. Агар, юқорида таъкидланганидек, 1958 йилда Ўзбекистонда 125042 млн метр<sup>3</sup> газ олинган бўлса, 1965 йилга келиб 16474 000 минг метр<sup>3</sup> газ чиқарилди, яъни етти йил мобайнида газ олиш ҳажми 130 бараварга кўпайди (ана шу вақт ичида СССРдаги бу кўрсаткич атиги 4,5 баравар кўпайган эди)<sup>56</sup>.

1965 йилда Ўзбекистон бўйича 16,5 млрд метр<sup>3</sup> газ қазиб олиниб (бу миқдор 1958 йилга нисбатан 127 баробарга кўп эди), ундан 11 млрд метр<sup>3</sup> Бухоро–Урал газ қувури орқали Уралга ҳайдалди. Бу вақтга келиб Ўзбекистон газ чиқариш бўйича Иттифоқда учинчи ўринга кўтарилган эди<sup>57</sup>.

Объектив жиҳатдан олганда, улкан табиий газ захираларининг мавжудлиги Ўзбекистон олдида республиканинг кескин ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш, аҳолининг моддий фаровонлиги ва маиший турмуш даражасини ошириш учун кенг имкониятлар очиб бериши керак эди. Бироқ амалда мустақил бўлмаган Ўзбекистон ўзининг ниҳоятда бой табиий хазинасини мустақил равишда тасарруф қила олмасди.

Кимё саноати ва энергетикада, шунингдек, бошқа айрим соҳаларда газдан кенг фойдаланиш, табиийки, Ўзбекистон саноат ишлаб чиқариши тузилмасини ўзгартирди, республиканинг умумиттифоқ халқ хўжалиги тизимида янада салмоқли ўрин эгаллашига шароит яратди. Бироқ бу “салмоқли ўрин” кўпроқ қоғозлардаги ҳисобот, графиклар, рақамлардагина ўз аксини топиб, пахта, пилла, қорақўл тери, олтин, газ, нефть ва яна бошқа кўплаб беҳисоб ер ости ва ер усти бойликлари ташиб кетилаётган ўлканинг туб аҳолиси ҳаётига кўп нафи тегмади.

Ўзбекистонда урушдан кейинги йилларда нефть қазиб чиқариш, уни қайта ишлаш, маҳсулот сифатини ошириш ҳамда меҳнат унумдорлигини кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳам кўрилди, янги технологиялар жорий этилди. 1946-1950 йилларда Фарғона водийсида Хўжаобод, Шимолий Сўх, Хўжа Усмон, Шимолий Оламушук, Чуст-Поп ва Оқпиллол тузилмаларида нефтни пармалаш ишлари бошлаб юборилган эди. Шунингдек, Бухоро-Хива ҳавзасида Тошқудук, Газли, Сеталон-Тева, Жанубий Муборак, Мома-Жўрғоти, Ан-Жар, Шўрчи, Қорабайир, Юлдузқоқ, Фароб, Сурхондарё вилоятида Қўштар, Қашқадарё вилоятида Фарбий Юлдузқоқ конлари аниқланган эди. 1961 йилда Ўзбекистонда нефть қазиб олишни жадаллаштириш учун олиб борилган ишлар натижасида 1,709 минг тонна нефть қазиб олинди<sup>58</sup>. Кейинги йилларда ҳам нефть қазиб чиқаришга эътибор кучайтирилиши билан 1980 йилда 1,329 минг тонна “қора олтин” олинган бўлса, 1985 йилда у 1,978 минг тоннага<sup>59</sup>, 1990 йилда эса 2,810 минг тоннага етказилди<sup>60</sup>.

<sup>55</sup> Джуракулов А. Развитие газовой промышленности Узбекистана. – Т.: Узбекистан, 1976. 74-стр.

<sup>56</sup> Аҳмедов Э.А., Фатахов Е. Н. Битмас-туганмас бойликлар ўлкаси. – Т., 1967. – Б. 8.

<sup>57</sup> Зиёдуллаев Н. Ўзбекистон ССР саноатининг ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бирлашган нашриёти, 1968. – Б. 24.

<sup>58</sup> Жўракулов О. Қудратли энергия манбаи. – Т.: Ўқитувчи, 1982. – Б. 87.

<sup>59</sup> Узбекистан за годы двенадцатой пятилетки (1966-1970 гг.). Краткий статистический сборник. – Т.: Издательство ЦК КП Узбекистана, 1990. – С. 108.

<sup>60</sup> Узбекская ССР в цифрах в 1990 году. Краткий статистический сборник. – Т.: Узбекистан, 1991. – С. 135.

Ўзбекистон ҳудудидан кўмир қазиб олишни кўпайтириш учун жадал олиб борилган ҳаракатлар натижасида 1940 йилга нисбатан 1960 йилда 939 марта, 1965 йилда 1320 марта, 1967 йилда эса 1353 марта кўп кўмир қазиб олинган эди<sup>61</sup>.

Совет ҳукумати Ўзбекистоннинг иттифоқ ихтисослашувида хом ашё базаси бўлиб қолишига алоҳида аҳамият бериб, рангли ва нодир металллар конларини ўзлаштиришни ҳам фаоллик билан режалаштирди. Бу металлларга қизиқиш шунинг учун катта эдики, урушдан кейинги йилларда иттифоқ саноатининг етакчи тармоқлари – радио-электроника, машинасозлик, атом ва реактив техника ва шу кабиларнинг жадал ривожланиши рангли металлларнинг қўлланиши билан боғлиқ эди.

1940 йилда ташкил этилган Ўрта Осиё геология-қидирув трести олдига асосан Ўзбекистон ҳудудидаги ер ости бойликлари ичида асосий ўринда турувчи қимматбаҳо металллар: мис, кўрғошин, вольфрам, молибден, симоб ҳамда калий, кобальт, сурма каби стратегик аҳамиятга эга хом ашёларни қидириб топиш вазифаси юклатилган эди. Иттифоқ ҳукумати томонидан рангли ва нодир металлларни қидириб топишга ажратилган маблағ йилдан-йилга ошириб борилди. Мисол учун СССР Рангли металлургия министрлиги “Средацветметразведка” трестининг 1956 йил геология-қидирув ишларига ажратилган маблағ 107,1 млн рублни ташкил этган бўлса, шундан Ўзбекистонда олиб бориладиган геология-қидирув ишларига ажратилган маблағ 34,234 млн рублни ташкил этганди<sup>62</sup>.

1959 йилда бўлиб ўтган КПССнинг XXI съездида етти йилликнинг асосий муҳим вазифаларидан бири қилиб мамлакатнинг ўсиб бораётган эҳтиёжи учун рангли ва нодир металллар ишлаб чиқаришни сезиларли даражада кўпайтириш кўрсатиб ўтилган эди<sup>63</sup>. Жумладан, Ўзбекистон ССРда етти йилликда мис, кўрғошин ва рух каби рангли металллар ишлаб чиқаришни 6,5 баробарга кўпайтириш кўзда тутилди<sup>64</sup>.

Бу даврда Ўзбекистонда олтин қазиб чиқариш саноати тўла таркиб топди<sup>65</sup>. Қисқа муддатларда Мурунгов билан бир қаторда Олмалик корхонаси, Чодак олтин чиқариш фабрикаси, Кўчбулоқ, Қовулди, Қизилолмасой олтин конларининг Ангрен олтин чиқариш фабрикаси, Маржонбулоқ ва Зармитан олтин конларининг Маржонбулоқ олтин чиқариш фабрикалари қурилди. Ўзбекистон ССР Халқ Хўжалиги Кенгашининг 1965 йил 2 октябрдаги қарорига асосан “Ўзбек олтини” (“Ўзбекзолото”) ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди<sup>66</sup>. XX аср 80-йиллари охирига келиб Ўзбекистонда ҳар йили 50 тоннага етказиб “сарик металл” эритиларди.

<sup>61</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР в 1967 г. Статистический ежегодник. – Т.: Узбекистан, 1968. – С. 36.

<sup>62</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 182-рўйхат, 580-иш, 5-варак.

<sup>63</sup> Внеочередной XXI съезд Коммунистической партии Советского Союза. Ч. II. – М.: Госполитиздат, 1959. – С. 477.

<sup>64</sup> XV съезд Коммунистической партии Узбекистана. Стенографический отчет. – Т.: Госполитиздат Уз ССР, 1961. – С. 23.

<sup>65</sup> Каххаров А. Проблемы повышения экономической эффективности золотодобывающей промышленности Узбекской ССР. Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. – Т., 1981. – С. 92.

<sup>66</sup> Ўзбекистон МДА, 2719-фонд, 1-рўйхат, 22-иш, 73-варак.

Ўзбекистон олтин етказиб бериш бўйича СССРда асосий ўринга чиқиб олган бўлиб, умумиттифоқ олтинининг қарийб 50 фоизини етказиб берарди<sup>67</sup>.

Юқорида келтирилган факт ва рақамлар, юзаки қараганда, совет даврида Ўзбекистонда саноат ривожланиши, республиканинг саноатлашувига хизмат қилгандек таассурот қолдириши мумкин. Аслида эса республикада барпо этилган саноат корхоналарининг аксарияти, у пахта тайёрлаш заводлари бўладими, ипак чувиш фабрикалари бўладими, нефть ва газ қазиб олиш ёхуд қимматбаҳо металллар олиш учун руда қазилар ва уни қайта ишлаш комбинатлари бўладими – барчаси республиканинг ер усти ва ер ости бойликларини ташиб кетишни қулайлаштиришга хизмат қиладиган корхоналар бўлган эди.

**“Қайта қуриш йилларида Ўзбекистон саноатининг ҳолати”** деб номланган тўртинчи бобда республика саноатига миллий кадрлар тайёрлаш масаласининг қўйилиши, Ўзбекистон ССР саноатидаги аҳвол ва унга қайта қуриш сиёсатининг таъсири, шунингдек, аграр-саноат комплексининг шакллантирилиши ва уни ривожлантиришдаги муаммолар ўрганилган.

Ўзбекистон саноатига ишчи кадрларни жалб қилиш ва тайёрлашнинг муайян усулларини яратиш ҳамда ишлаб чиқиш халқ хўжалигини ривожлантиришнинг жуда муҳим шартлардан бири эди. Ўзбекистон саноатида янги тармоқларнинг ривожланиши, янги техниканинг пайдо бўлиши ва ўзлаштирилиши объектив равишда ишчиларнинг техник савияси ўсишига олиб келди.

Ишлаб чиқаришнинг янги турларини ташкил қилиш, хом ашё ва энергиядан фойдаланишнинг янги усулларини жорий этиш учун илмий тадқиқот институтларини ривожлантириш зарурияти натижасида Ўрта Осиё индустриал институти барпо этилган (1934) эди. Кейинчалик унинг номи Тошкент политехника институти деб ўзгартирилган.

Республика саноатидаги ишчилар ўртасида маҳаллий миллат вакиллари, хусусан, ўзбеклар миқдори совет ҳокимияти йилларида энг катта муаммолардан бири ҳисобланган. Чунки йирик шаҳарлар, жумладан, пойтахт Тошкент ва унинг атрофидаги Чирчиқ, Бекобод, Олмалиқ, Ангрен шаҳарларидаги ишчилар орасида ўзбеклар кам бўлган. Кейинчалик ҳам Ўзбекистонда Зарафшон, Учқудук, Навоий ва бошқа шаҳарлар ташкил қилинганда малакали ишчилар асосан Россиянинг марказий қисмлари ҳамда СССРнинг Европа ҳудудидан олиб келинган. Бу ҳолат совет ҳокимиятининг охириги йилларигача деярли ўзгаришсиз сақланиб қолган. Мазкур ҳол институтларни тугатаётган ёш мутахасисларга ҳам тааллуқли эди.

Хусусан, 1940 йилда республика олий техника ўқув юртлари халқ хўжалигига 487 нафар инженер юборган бўлса, 1969 йилда 4604 нафар ёки қарийб 10 баравар кўп инженер тайёрлаган<sup>68</sup>. Бироқ бу соҳа вакиллари орасида ҳам маҳаллий миллат вакиллари улуши анча паст бўлиб, масалан,

<sup>67</sup> “Известия” (Москва), 7 декабрь 1991 г.

<sup>68</sup> Химов Н. Ўзбекистонда инженер-техник кадрларнинг шаклланиши // Ўзбекистон коммунисти. 1970. № 10. – Б. 54.

1947 йилда Ўзбекистондаги олий ўқув юртларини жами 2536 нафар талаба битирган бўлса, уларнинг 589 нафаригина ўзбек миллатига мансуб эди<sup>69</sup>.

Саноат корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлаш борасида ҳам номуносибликлар мавжуд эди. Статистика маълумотларига кўра, 1950 йилда Ўзбекистон ишчиларининг иш ҳақи фонди 1940 йилга нисбатан 27,4%га ўсган бўлса, иттифоққа бўйсунувчи саноат корхоналари ишчиларининг иш ҳақи бундан анча юқори, яъни 590%га кўпайган эди.

Совет жамияти тараққиётидаги жараёнларни ўрганиш қонуниятли асосда уни сўнгги ўн йиллик даврида танглик ҳолатига олиб келган бир қанча муҳим зиддиятларни етарлича англаш имконини беради. Мазкур зиддиятлар негизида эса социалистик-режали иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш муносабатлари характерига номувофиқлик иллати ётадики, у вақт ўтиши билан мунтазам кучайди. Бу даврда иқтисодиёт ўз жўшқинлигини тобора кўпроқ йўқота борди ва бу йўқотишни қоплаш учун амалда сарф-харажатларга зўр берилди. Совет раҳбариятининг 1985 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш учун тузган режаларини бажариш борасидаги дастлабки уринишлариёқ кутилган натижани бермади.

Қайта куриш сиёсати давомида йўл қўйилган хатоликлар<sup>70</sup>, мамлакат минтақалари ўртасидаги алоқаларнинг бузилиши, сиёсий вазиятнинг кескинлашиши оқибатида белгиланган вазифалар уддаланмади. Жумладан, 1986 йил давомида республикадаги 321 та корхона ва ташкилот режада белгиланган вазифаларни бажара олмагани оқибатида 347,7 млн рубль миқдоридаги маҳсулот етказиб берилмади, 225 та энг муҳим маҳсулот турларидан 86 таси бўйича давлат режаси бажарилмай қолди<sup>71</sup>.

Зиддиятли “қайта куриш” сиёсати оқибатида республика иқтисодиётида танглик ҳолати чуқурлашиб, саноат ишлаб чиқаришининг самарадорлиги пасайиб кетди<sup>72</sup>. Меҳнат унумдорлигининг кўрсаткичлари ҳам кескин ёмонлашди, фондлар ҳисобидан келадиган фойда ҳам камайди.

“Қайта куриш”нинг сўнгги йилларида республика ишчилари ва хизматчиларнинг ижтимоий ривожланишида мураккаб ва зиддиятли жараёнлар содир бўлди. Уларнинг миқдор жиҳатидан ўсишига мос сифат ўзгаришлари юз бермади, бу кўрсаткич аҳолининг табиий ўсишидан орқада қолди, бу ҳол эса ишчи кучининг анча ортиқча бўлиб қолишига олиб келди.

Ўзбекистондаги аграр-саноат комплекси халқ хўжалиги миқёсида қишлоқ хўжалик хом ашёсини етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш билан боғлиқ бўлган иқтисодиётнинг кўп тармоқларини ўз ичига оларди. Қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, минерал ўғит ва шу кабиларни

<sup>69</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 23-рўйхат, 981-ийғма жилд, 21-22 варақлар.

<sup>70</sup> Корхоналарда янги техниканинг ғоят сузглик билан жорий этилиши, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш воситалари, ҳисоблаш техникаси ҳамда ишлаб турган асбоб-ускуналарни модернизациялашнинг етарлича амалга оширилмагани, инвестицион комплекс тармоқларининг базаси заифлиги ва бошқалар.

<sup>71</sup> Исаков Б.Н. Ўзбекистонда 80-йилларнинг иккинчи ярми – 2000 йиллардаги тарихий ўзгаришларнинг демографик жараёнларга таъсири. Тарих фанлари номзоди... диссертацияси автореферати. – Т., 2010. – Б. 13.

<sup>72</sup> Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. – Т.: Ўзбекистон, 2001, – Б. 167.

ишлаб чиқарувчи кимё индустрияси тармоқлари, қишлоқ электр энергетикаси, омухта ем саноати, қишлоқ хўжалик хом ашёси асосида ишловчи озиқ-овқат ва енгил индустрия шу комплекс таркибига кирарди.

Мамлакат халқ хўжалиги аграр-саноат комплексининг кучли худудий бўғини бўлган Ўзбекистон аграр-саноат комплекси ўзининг асосий вазифаси – деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш билан бирга қишлоқда саноат тармоқларини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалигини индустриал асосда ўзгартириш учун шарт-шароит яратди.

Ўзбекистонда худуд хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда турли аграр-саноат корхоналари вужудга келтирилган эди. Унинг бошланғич шакллари совхоз- завод (Тошкент вилоятидаги “Огонёк”, Сирдарё вилоятидаги “Фарғона”, Самарқанд вилоятидаги “Норпой” кабилар), агрокомбинат (Андижон вилоятидаги “Киров” агросаноат комбинати), аграр-саноат бирлашмаларидан (Тошкент вилоятидаги “Халқобод” агросаноат бирлашмаси (1962 й.) иборат эди

Умуман айтганда, агросаноат комплекслари халқ хўжалигининг шундай бўғини бўлганки, уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти аҳолини озиқ-овқат, кийим-бош, оёқ кийим, шунингдек, қишлоқ аҳолисининг турар жойга бўлган эҳтиёжларини қондиришга яқинлашиши лозим эди. Гарчи Ўзбекистонда агросаноат комплексининг потенциал имкониятлари катта бўлган бўлса-да, унинг салоҳиятидан фойдаланишнинг самарадорлиги ниҳоятда паст бўлди. АСКлар йиллар давомида жамоа ва давлат хўжаликлари сингари ҳукуқий мавқеда бўлгани уларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб, ривожланишига жиддий тўсқинлик қилган.

## ХУЛОСА

1. Совет ҳукумати ўрнатилган дастлабки йиллардан мамлакатни иқтисодий районлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. СССР ташкил топгач, Коммунистлар партияси ва совет давлати томонидан унинг таркибидаги республикаларни бир-бирига боғлаш мақсадида ягона халқ хўжалиги комплекси ташкил этилди. Бу комплекс шундай бир тизим эдики, унда умумхалқ мулки ва ижтимоий меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқариш, айирбошлаш, ижтимоий маҳсулотни тақсимлаш ва ўзлаштиришнинг ҳамма бўғинлари бирлаштирилган эди.

2. СССР таркибидаги миллий республикалар каби Ўзбекистон ССРнинг иқтисодиёти умумиттифоқ ягона халқ хўжалиги комплексининг таркибий қисми эди. Урушдан кейин ҳам пахтачилик Ўзбекистон ССР хўжалигининг иттифоқ аҳамиятига эга бўлган асосий тармоғи сифатида давом эттирилди. Республика халқ хўжалигининг бошқа барча соҳалари ана шу асосий тармоққа хизмат қилди ва пахтачилик эҳтиёжларига мос равишда ривожлантирилди. Ўзбекистон саноати, қишлоқ хўжалиги ва транспортининг ҳар томонлама бир-бири билан боғланган ҳолда ривожлантирилиши умумиттифоқ аҳамиятига эга бўлган ишлаб чиқариш комплексларининг ташкил топишига олиб келди: 1) пахта етиштириш комплекси, 2) ёқилғи-

энергия-кимё комплекси, 3) рангли металлургия комплекси, 4) қора металлургия ва машинасозлик комплекси, 5) қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва қурилиш индустрияси комплекси, 6) аграр-саноат комплекси.

